



**БОКУ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
(Озарбайжон Республикаси)

ва

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
(Ўзбекистон Республикаси)

ўртасида

## **ҲАМКОРЛИК КЕЛИШУВИ**

Боку давлат университети (“БДУ”) ва Тошкент давлат юридик университети (“ТДЮУ”) ўзаро мустақкам дўстлик ва мавжуд ҳамкорлик муносабатларини эътироф этиб,

БДУ ТДЮУ ва ТДЮУ (бундан кейин якка равишда “Томон”, биргаликда “Томонлар” деб номланадилар) таълим ва илмий дастурларни бойитишни ҳамда ҳар икки томон ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдор ҳисобланган ҳолда, таълим ва тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик ва алмашинувни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни келишиб оладилар:

### **1-модда**

#### **Ҳамкорлик соҳалари**

Томонлар ҳамкорликнинг қуйидаги турларини ривожлантиришга биргаликда ҳаракат қиладилар:

- қўшма таълим дастурлари;
- талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик алмашинуви;
- магистрант ва докторантлар алмашинуви;
- биргаликдаги илмий лойиҳалар ва малака ошириш дастурлари;
- илмий материаллар, нашрлар ва маълумотлар алмашиш;
- қўшма семинар ва бошқа илмий тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш.

### **2-модда**

#### **Ҳамкорлик келишуви асосидаги фаолиятлар**

Ўзаро ҳамкорлик келишуви бўйича амалга ошириладиган ишлар, авваламбор, ҳар бир Томон таркибидаги кафедралар томонидан ва халқаро фаолият билан боғлиқ тегишли бўлимлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Амалга ошириладиган барча тадбирлар ҳар бир Томоннинг таълим сиёсати ва тартибларига мувофиқ бўлиши керак. Баъзан ўтказиладиган маърузалардан

ташқари дарслар ҳар бир Томоннинг тегишли бўлинмалари томонидан тасдиқланиши керак.

### **3-модда**

#### **Фаолиятни режалаштириш ва бошқариш**

Ҳамкорликнинг ҳар бир аниқ фаолияти учун алоҳида ёзма келишув тузиш талаб этилади.

### **4-модда**

#### **Фаолиятни молиялаштириш**

Зарур бўлганда, ташқаридан молиялаштиришни таъминлаш учун шу фаолият билан шуғулланадиган бўлинмалар биргаликда ишлаши тавсия этилади. Ҳар бир фаолият бўйича молиявий келишувлар ва мажбуриятлар ҳар қандай фаолият бошланишидан олдин алоҳида битимларда кўзда тутилган бўлиши керак.

### **5-модда**

#### **Интеллектуал мулк ҳуқуқлари**

Ушбу Келишув интеллектуал мулкни яратиш билан боғлиқ муносабатларни қамраб олмайди, балки мазкур соҳада тадқиқот ва илмий ҳамкорликни амалга оширишни қамраб олади. Яратилган интеллектуал мулк алоҳида шартнома асосида тартибга солинади.

### **6-модда**

#### **Ҳамкорликни баҳолаш**

Ҳар бир Томоннинг ваколатли вакиллари томонидан ушбу Келишув доирасида амалга ошириладиган ҳар қандай лойиҳа ва дастурларнинг амал қилиш даври борасида ўзаро баҳолаш ўтказилиши мумкин.

### **7-модда**

#### **Низоларни ҳал этиш**

Ушбу Келишувнинг қўллаш ёки талқин қилиш билан боғлиқ Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

### **8-модда**

#### **Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Ушбу Келишувга Томонларнинг ўзаро келишувига асосан унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **9-модда**

#### **Амал қилишни тугатиш**

Ушбу Келишув 5 (беш) йил муддатга, имзо қўйилган санадан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Ҳар бир Томон Келишув амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида иккинчи Томонни навбатдаги муддат тугашидан камида ўттиз (30) кун олдин ёзма равишда хабардор қилмаса, у ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узайтирилади.

Ушбу Келишув Тошкент/Баку шаҳрида 2021 йил 19 05 да бир хил кучга эга 2 асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва инглиз тилларида тузилди.

**БОКУ ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**  
Ректор

  
Э.С. Бабаев

“ ” \_\_\_\_\_ 2021 й.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК  
УНИВЕРСИТЕТИ**  
Ректор

  
Ф.Р. Ҳақимов

“ ” \_\_\_\_\_ 2021 й.

